

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**НАРБУТАЕВА ДИЛДОРА АБДУСАМАТОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМАШЁСИДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН  
ПОЛИМЕР ПРОАНТОЦИАНИДИНЛАР БИЛАН ОРГАНИЗМДАГИ  
ГИПОКСИК ҲОЛАТЛАРНИ ФАРМАКОЛОГИК  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология**

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нарбутаева Дилдора Абдусаматовна**

Маҳаллий ўсимлик хомашёсидан ажратиб олинган полимер проантоцианидинлар билан организмдаги гипоксик ҳолатларни фармакологик мувофиқлаштириш .....3

**Нарбутаева Дилдора Абдусаматовна**

Фармакокоррекция гипоксических состояний организма препаратами полимерных проантоцианидинов из местного растительного сырья .....21

**Narbutaeva Dildora Abdusamatovna**

Pharmacocorrection of hypoxic conditions of the organism with preparations of polymeric proanthocyanidins from local plant materials 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List published works .....44

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**НАРБУТАЕВА ДИЛДОРА АБДУСАМАТОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН  
ПОЛИМЕР ПРОАНТОЦИАНИДИНЛАР БИЛАН ОРГАНИЗМДАГИ  
ГИПОКСИК ҲОЛАТЛАРНИ ФАРМАКОЛОГИК  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B286 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хушбақтова Зайнаб Абдурахмановна</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Аминов Салоҳиддин Джураевич</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Гильдиева Маргарита Сабиловна</b> Биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси</b> <b>академик О.С. Содиқов номидаги «Биоорганик</b> <b>кимё институти»</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.С. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси т.ф.д.

**Ё.С. Қариева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.,  
профессор

**Б.Ш. Шоисломов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда гипоксия ривожланиши билан боғлиқ касалликлар (инсулт, юрак ишемик касалликлари, миокард инфаркти ва бошқалар) йилига 20 млн. аҳолида учрайди. Мия ва юрак тўқимасида, кислород етишмовчилигига сезувчанлиги фаркли ҳолда, гипоксиянинг турли шакллари, шу билан бир қаторда ишемия ҳам церебрал инсултнинг асосий сабабларидан ҳисобланади. Жаҳонда йилига сурункали юрак етишмовчилиги сабабли 200 минг ва церебрал инсултдан 4,7 млн. инсон вафот этади. Шунинг учун маҳаллий ўсимлик хом ашёларидан фойдаланган ҳолда гипоксик ҳолатларни даволаш учун қўлланиладиган препаратларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида гипоксия сабабли юзага келувчи касалликларни даволаш ва олдини олиш борасида табиий бирикмалардан фойдаланиш билан боғлиқ кенг қамровли изланишларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада гипоксияга қарши препаратларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш, турли тажрибавий гипоксик ҳолатларга таъсирини ўрганиш, ҳамда ушбу дори воситаларини хилма-хиллигини кенгайтириш катта аҳамият касб этади.

Республикамизда бугунги кунда фармацевтика саноатини ривожлантириш ва яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда, шу билан бир қаторда маҳаллий хом ашё манбалари асосида гипоксияга қарши таъсирга эга сифатли дори воситаларини яратиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ўсимлик манбаларидан гипоксияга қарши дори воситаларини излаб топиш ва улар асосида хавфсиз ва арзон тиббий препарат яратиш долзарб илмий амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3489-сонли ва 2018 йил 14 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли қарорлари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрельдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида гипоксияга қарши таъсирга эга потенциал дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш, уларнинг кимёвий-биологик хусусиятларини ўрганиш, гипоксияга қарши ва антиоксидант таъсирга эга, организмда бузилган моддалар алмашинувига ижобий таъсир кўрсатувчи экстрактив препаратлар ажратиб олиш бўйича республикамиз олимларидан Э.Х. Батиров, М.И. Исаев, Х.Х. Холматов, А.Г. Курмуков, В.Н. Сиров, Х.У. Алиев, С.З. Нишанбаевларнинг илмий ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида турли синф бирикмаларини ўрганиш асосида гипоксияни даволовчи фитопрепаратлар яратиш ушбу бирикмаларнинг патологик ҳолатларда моддалар алмашинувининг маълум бир қисмига таъсир кўрсатиши натижасида марказий нерв тизими, юрак-қон-томир ва организмнинг бошқа тизимларининг функционал фаоллигида маълум ижобий ўзгаришларни олиб келишини аниқлаш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: В.М. Виноградов, А.Е. Александрова, Д.С. Суханов, С.В. Оковит, А.В. Смирна, А.Н. Смагина, G.Biorok, K.Blach, L.Novak, R.Ossuoh ва б.

Мазкур диссертация иши полимер проантоцианидинлар ва бир қатор флавоноид бирикмаларнинг биологик хусусиятларини ҳамда уларнинг турли хил этиологияга эга патологик ҳолатларда организмни ҳимояловчи, яъни гипоксияга қарши ва антиоксидант таъсирини ўрганиш ва ушбу синф бирикмалари асосида безарар, биологик таъсирининг кенг спектрли янги дори воситаларни яратиш юзасидан олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти (ЎМКИ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А10-Т196 «Метаболик синдром бузилишида фармакологик мувофиқлаштириш учун қўлланилувчи терпеноидлар, алкалоидлар ва фенол табиий бирикмалари асосида бешта маҳаллий препарат яратиш» (2011-2014), ФА-А7-Т-187 «Дангшень ва Катацин маҳаллий препаратларини ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиш» (2012-2014); ПЗ-20170928194 «Гипоксияга қарши ва антиоксидант “Геранил” препаратининг субстанциясини олиш технологияси ва дори шакллари яратиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** полимер проантоцианидинлар ва флавоноидларга хос бирикмаларнинг гипоксияга қарши ва антиоксидант хусусиятларини, ҳамда уларнинг гипоксик ҳолатларда қўллаш

самарадорлигини баҳолаш ва организмдаги бузилган метаболик жараёнларга таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

нормал ва турли гипоксик ҳолатлардаги ҳайвонларда ўтказиладиган скрининг тажрибаларида ЎМКИда мавжуд полимер проантоцианидинлар субстанцияларини ҳамда индивидуал ва йиғма флавоноид сақловчи препаратларни гипоксияга қарши ва антиоксидант таъсирга эга потенциал воситалар сифатида ўрганиш;

турли гипоксия чақирилган ҳайвонларда гипоксияга қарши энг юқори фаолликга эга бўлган субстанциялар самарадорлигини баҳолаш, ўрганилаётган субстанцияларни ушбу таъсирга эга клиник амалиётда қўлланилаётган воситалар билан гипоксияга қарши ва антиоксидант таъсирларини солиштирган ҳолда ўрганиш;

юқори фаолликка эга бирикмаларнинг давомли қўлланилганда турли оғирлик босқичидаги тажрибавий патологияли ҳайвонларда (ўпка шиши, инфаркт миокардда ва б.) оксидланишли стресс оқибатларини олдини олиши, бузилган метаболизмни мўътадиллаштириши, хужайра тизими энергopotенциалини тиклаш имкониятлари орқали гипоксияга қарши самарадорлиги ва имкониятларини баҳолаш;

гипоксияга қарши ва антиоксидант самарадорликка эга юқори фаол ва ҳозирги кунда амалий аҳамиятга эга бўлган воситаларнинг, миокард ва ўпканинг бузилган метаболизмни нормаллаштириш нуқтаи назаридан, таъсир механизмининг асосий томонларини очиб бериш. Ўрганилаётган субстанцияларнинг самарадорлигини тиббиёт амалиётида қўлланиб келаётган гипоксияга қарши дори воситаси милдронат (АЖ «Гриндекс», Латвия) билан солиштириб ўрганиш;

юқори фаолликка эга полимер проантоцианидинларнинг потенциал гипоксияга қарши восита сифатида инсон амалий фаолиятига таъсирини умумий фармакологик ва токсикологик позициялар орқали асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий флорада ўсувчи *Geranium saxatile Kar. et. Kir*, *Polygonum coriarum Grig* ўсимликларидан ажратиб олинган полимер проантоцианидинлар, *Thermopsis alterniflora* ва *Vexibia alopecuroides* ажратиб олинган индивидуал ва йиғма флавоноидлар, ҳамда лаборатория ҳайвонлари: оқ сичқон, оқ каламушлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** лаборатория ҳайвонларида моделлаштирилган нормал ва турли гипоксик ҳолатлар (нормобарик, гемик, тўқима ва бошқа) ҳамда тажрибавий ўпка шиши ва инфаркт миокард каби патологик ҳолатларга полимер проантоцианидинларнинг фармакологик таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда фармакологик, физиологик, патофизиологик ва биокимёвий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор *Geranium saxatile Kar. et. Kir*. (геранил) ва *Polygonium coriarium* (катацин) ўсимликларидан ажратиб олинган полимер проантоцианидинлар

ҳамда *Thermopsis alterniflora* дан ажратиб олинган йиғма флавоноид препаратларнинг (флатерон) гипоксияга қарши ва антиоксидант фаоллиги мавжудлиги аниқланган;

илк бор, проантоцианидинлар геранил ва катацин, референс- кавергал препарати каби ўпка шиши шароитида гипоксик ҳолатлар белгиларини камайтирибгина қолмасдан, организмнинг антиоксидант ҳимоясини оширган ҳолда субстратларнинг аэроб оксидланишини турғунлаштириши ва энергия ҳосил бўлиши гомеостазини нормаллаштириши исботланган;

юқори фаолликка эга ўрганилаётган полимер проантоцианидинлар – геранил ва катацин, солиштириш препаратлари милдронат ва кавергал каби тажрибавий инфаркт миокардда тажриба ҳайвонларида насос функциясини тиклашга ёрдам бериши аниқланган;

илк бор, юқори фаолликка эга воситалар нормабарик ва гемик гипоксияларда гипоксияга қарши самарадорликни намоён қилиши таниқли милдронат дори воситасига нисбатан устунлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

айрим полимер проантоцианидинлар ва флавоноидлар юқори самарадорликка эга воситалар ҳисобланиб, улар организмда кислород алмашинувини яхшилаши ҳамда аъзо ва тўқималарнинг кислород билан тўйинишини камайтириши, шу билан бирга гипоксияга чидамлилигини ошириши аниқланган;

илк бор, юқори фаолликка эга деб топилган бирикмалар гипоксияга қарши восита сифатида, мустақил қўллашда, ҳамда маълум антигипоксантилар билан бирга оғиз орқали рационал шароитда қўллашда амалий қизиқиш уйғотиши мумкинлиги исботланган;

ишлаб чиқиляётган препаратлар, ўзининг таъсир хусусияти ва ножўя таъсири йўқлиги билан ҳозирда қўлланилаётган гипоксияга қарши воситалардан самарадорлиги аниқланган;

биологик-фаол флавоноидлар ва полимер проантоцианидинлар сақловчи янги фитопрепаратларни ҳамда улар асосида юқори самарадорликка эга гипоксияга қарши воситалар яратиш истиқболини очиб бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси адекват фармакологик, физиологик, биокимёвий, гематологик ва токсикологик усулларни қўлланилганлиги, лаборатория ҳайвонларининг етарли миқдордалиги, олинган натижаларни статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги, республика ва халқаро анжуманларида муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда гувоҳнома рўйхатга олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти айрим полимер проантоцианидинларнинг ҳамда флавоноидларнинг нормоборик, гемик ва тўқима гипоксия шароитларида гипоксияга қарши самарадорликни ва турли моделлаштирилган гипоксия тажрибаларида организмни бузилган жараёнларини фармакологик

мувофиқлаштирувчи ва химояловчи таъсирни намоён қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган тажрибалар натижасида** полимер проантоцианидинларнинг (катацин) гипоксияга қарши ва антиоксидант фаолликка эга, организмдаги моддалар алмашинувини яхшиловчи восита сифатида амалий қўллаш имкониятларини очиб бериши ҳамда таркибида флавоноид сақловчи препарат – флатероннинг гипоксияга қарши ва антиоксидант таъсирини аниқлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий ўсимлик хомашёсидан ажратиб олинган полимер проантоцианидинлар билан организмдаги гипоксик ҳолатларни фармакологик мувофиқлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

катацин-гипоксияга қарши воситаси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» давлат унитар корхонасида рўйхатга (№01558/06/17, 06.06.2017 й.) олинган. Натижада маҳаллий хом ашёдан самарали гипоксияга қарши фаолликка эга бўлган восита яратиш имконини берган;

флатерон-гиполипидемик таъсирга эга воситаси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» давлат унитар корхонасида рўйхатга (№00198/07/15, 17.07.2015й.) олинган. Натижада ушбу препаратнинг гиперлипидемия ва атеросклерозда гипоксияга қарши таъсирни намоён қилиши ва қўлланилишини янада кенгайтириш имконини берган;

*Geranium saxatile Kar. et. Kir.* (геранил) ўсимлигидан олинган полимер проантоцианидинларнинг биологик фаолликларини ҳамда кимёвий тузилишини аниқлашдан олинган маълумотлардан юқори импакт факторли (IF) 4 хорижий журналларда мазкур синф бирикмаларини биологик фаолликларини тавсифлашда фойдаланилган (Chemistry of Natural Compounds, 2019, 55(6) P. 1156-1158, Springer IF=0.67, Chemistry of Natural Compounds, 2019, 55(2) P. 348-350, Springer IF=0.67, Khimiya Rastitel'nogo Syr'ya Royal Society, 2017 (2), P.127-132, Scopus IF=0.50, Khimiya Rastitel'nogo Syr'ya Royal Society, 2017 (1), P. 79-83, Scopus IF=0.50). Натижада моддаларнинг гипоксияга қарши ва антиоксидант фаолликлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гипоксия ва организмни кислород етишмовчилигидан ҳимоя қилиш муаммолари”** деб номланган биринчи бобида (адабиётлар шарҳи) гипоксия, умумий ҳолатда митохондриял окисидланишли фосфорилланиш тизими энергия маҳсулотларида хужайралар энергия талабининг мос келмаслиги кўринишида аниқлаш мумкинлиги кўриб чиқилган. Қўлланиб келинаётган гипоксияга қарши воситалар ҳақида маълумотлар келтирилган ва уларнинг таъсир механизми очиб берилган. Асосий эътибор индивидуал ўсимлик бирикмаларига қаратилган, улар орасида тиббиёт амалиётида қўллаш истиқболига эгалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотда қўлланилган тажриба ҳайвонлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган объектлар ва услубий ёндашувлар, қўйилган масалалар ечими ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу диссертация ишида ЎЗР ФА ЎМКИ кумаринлар и флавоноидлар кимёси лабораторияси ходимлари томонидан маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олинган проантоцианидин ва флавоноид бирикмалар кимёвий тузилиши нуқтаи назардан, типик С6-С3-С6-флавоноид скелетли бирикмалар ўрганилган. Индивидуал флавоноидлардан: цинарозид, лютеолин, рутин, глаброл, галангин ва *Thermopsis alterniflora* дан олинган йиғма флавоноид сақловчи препарат – флатерон, ўзида: лютеолин, формонетин, цинарозид ва бошқаларни сақловчи препарати ўрганилган.

Шу қаторда *Rhodiola Semenovii Boriss.*, *Punica granatum L.*, *Platanus orientalis L.*, *Hypericum perforatum L.*, *Geranium saxatile Kar.et.kir.* (шартли номланиши геранил), *Geranium Collinum* (шартли номланиши ангерон), *Geranium pusillum, rotundifolium, charlesi, transversale, Polygonum coriarium* (шартли номланиши катацин) олинган полимер проантоцианидинлар ўрганилган. Референс препаратлар сифатида гипоксияга қарши ва антиоксидант препаратлар: кавергал (Россия *Quercus robur* эман пўстлоғидан олинган) ва синтетик дори воситаси – милдронат олинган.

Флавоноидлар, полимер проантоцианидинлар антигипоксанти ва антиоксидант восита сифатида баҳолаш бўйича тажрибалар эркак-сичқонлар (18-20г) ва эркак-каламушларда (170-200г) олиб борилди. Ўрганилаётган бирикмалар ҳайвонларга оғиз орқали: проантоцианидинлар 20-40 мг/кг (қорин бўшлиғига), 100-150 мг/кг дозада оғиз орқали берилди. Референс – препаратлар милдронат, кавергал аналогик тартибда 100 мг/кг дозада юборилди. Тадқиқотлар нормобарик гипоксия ўткир моделида сичқонларни гермокамерага жойлаштириш орқали чақирилган тажрибаларда олиб борилди. Гемик гипоксия сичқонлар қорин бўшлиғига натрий нитритни 300 мг/кг дозада юбориш орқали чақирилди. Тўқима гипоксияси натрий нитропруссидни 20 мг/кг дозада қорин бўшлиғига юбориш орқали Р.У. Хабриев (2005) таҳрири остида ёзилган «Руководство по экспериментальному (доклиническому) изучению новых фармакологических веществ» да келтирилган усуллар орқали чақирилди.. Ҳайвонлар яшовчанлиги гипоксиянинг ўткир моделлари шароитида моддаларнинг берилишидан то ўлим ҳолатигача бўлган дақиқалар орқали баҳоланди, нафас ва юракнинг тўлиқ тўхташи рўйхатга олинди. Фармакологик воситаларнинг самарадорлиги бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар ҳайвонларда адекват патологик моделларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ўрганилаётган бирикмаларнинг гипоксияга қарши ва антиоксидант самарадорликка эгаллигини аниқлашда ўпка шиши ва инфаркт миокард - тажрибавий чақирилган патологиялар шароити уларнинг таъсирини ўрганиш учун қўлланилди. Ўпка шиши тиомочевинанинг 1,5%ли эритмасини қорин бўшлиғига (к/б) юбориш орқали чақирилди (Х.М. Байсанова ва ҳаммуалиф., 1974); инфаркт миокард – каламушларнинг чап коронар артерияси бирлашмаган шохчалари окклюзияси орқали чақирилди (А.Н. Миронова, «Руководство по экспериментальному (доклиническому) изучению новых фармакологических веществ», 2012).

Қон зардоби ва тўқима гомогенатидаги умумий оксил миқдори Lowry O.H. et al. усули ёрдамида аниқланди. Миокард, ўпка ва жигардаги (M. tibialis ant.) гликоген миқдори Lo S. et al. (1970) усули бўйича, сут кислота ва пироузум кислота миқдори (СутК ва ПУК) Камышников В.С. усули бўйича (2009) аниқланди. СутК-ПУК тизими оксидланиш-қайтарилиш потенциали (ОҚП) Райскина М.Е. ва ҳаммуалл. (1970) усули бўйича ҳисобланди. Тўқималарда холестерин миқдори Abell L.L. (1952) усули бўйича аниқланди. Липидларнинг перекисли оксидланиш (ЛПО) жараёнларининг жадаллиги малон диальдегиди (МДА) миқдорининг ўзгариши билан баҳоланди (Стальная И.Д., Гаришвили Т.Г., 1977), супероксиддисмутаза (СОД) миқдори Дубинина Е.Е. (1983) усули бўйича, каталаза фаоллиги Королук М.А. (1988) усули бўйича аниқланди. NO-эргик тизим фаоллиги Gutmann I., Wahlefeld A.W. (1974) усули бўйича аниқланди. Ўрганилаётган субстанцияларнинг митохондрия нафас олишига таъсири ўрганиш Nedergaard J. (1979) усули ёрдамида аниқланди. Антирадикал фаоллик дифенилпикрил-гидразилни (ДФПГ) қўллаш орқали (Хабриев Р.У. «Руководство по экспериментальному (доклиническому) изучению новых фармакологических веществ», 2005)

бўйича аниқланди. Шунингдек, ЎЗР ССВ “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКнинг “Фармакологик воситаларни клиникагача бўлган безарарлигини текшириб кўриш кўрсатмалари”га (2000) мос ҳолатда умумфармакологик ва токсикологик фаолликларини ўрганиш умум қабул қилинган усуллар ҳамда янги фармакологик моддаларнинг (клиникагача) тажрибавий ҳолати бўйича ўрганилди. Тадқиқотнинг бажарилишида олинган сонли маълумотлар Фишер Стьюдент t-критериясидан фойдаланилган ҳолда вариацион статистика усули ёрдамида Windows Excel-2010 дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Марказий Осиё худудидан олинган полимер проантоцианидинлар ва флавоноидлар асосида гипоксияга қарши ва антиоксидант фаолликка эга воситаларни излаб топиш”** деб номланган учинчи бобида проантоцианидинлар ва флавоноидларнинг гипоксияга қарши фаоллигини солиштирма ҳолда ўрганилган ўткир нормобарик гипоксик гипоксия тажрибаларидан олинган натижалар келтирилган. Тажрибаларнинг биринчи қисмида флавоноидларнинг гипоксияга қарши хусусияти ўрганилган, флатерон ва фланорин йиғма препаратларининг таъсирида сичқонларнинг яшовчанлиги 44,5%га ошганлиги кўрсатилган, галангин, глаброл таъсири- 21,4%, цинарозид, рутин, лютеолиннинг таъсири – 24,8; 36,4 ва 27,2% ни ташкил қилди.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, нормобарик гипоксик гипоксия шароитида сичқонларга полимер проантоцианидинларни 20 мг/кг дозада (қорин бўшлиғига, бир марталик, 40%, 80% экстрактлар) Семенова олтин илдизи, шарқ платани, оқ тол, олтин илдиз, қоя ёронгули ва б., яшовчанликни 10-20% оширади. Яққол даражада қоя ёронгули ва Чарлиз, ҳамда оддий анор гулларининг проантоцианидинлари этилацетатли ва бутанолли фракциялари (25,0 дан 32,0% гача) ҳайвонлар яшовчанлигини оширади. Ёронгулнинг турли хил турларидан (пакана ёронгул, юмалоқ баргли, қирқма баргли, оддий), қоя ёронгули ва ошловчи торонидан (20 мг/кг) олинган проантоцианидинлар яшовчанликни 34-45,0%га оширди. Юқорида келтирилган субстанцияларнинг 40 мг/кг дозада (қорин бўшлиғига) берилганда тажриба остидаги ҳайвонларнинг яшовчанлиги 86-87%га ошди, *per os* берилганда эса самадорлик камроқ бўлди. Ўрганилаётган проантоцианидинларнинг антиоксидант фаоллиги *in vitro* тажрибаларида липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларининг жадаллигига таъсири (МДА) миқдори бўйича баҳоланди. Яққол таъсирга флатерон ва фланорин (81,0–80,0% гача ингибирлади) эга бўлди, индивидуал флавоноидлар: цинарозид, галангин, рутин, глаброл, лютеолин 60 - 70,0% ни ташкил қилди. *In vitro* тажрибаларида ўрганилаётган проантоцианидинлар липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларига турли даражада 16,0 дан 85,0% гача бўлган ингибирловчи таъсир кўрсатди. Қоя ёронгули, тепалик ёронгули, ошловчи торони, оддий эманнинг ер остки қисмидан олинган проантоцианидинларнинг  $10^{-5}$  г/мл - концентрацияда (85,0-87,0%), солиштириш учун олинган витамин Е ва милдронат (85,0-84,0%) препаратлари

фаоллигига мос равишда яққол самарадорликни намоён қилди. Шу муносабат билан ушбу проантоцианидинлар потенциал гипоксияга қарши восита сифатида ўрганиш давом эттириш учун танлаб олинди.

Геранил, ангерон, катацин ва солиштириш учун олинган кавергал ва милдронат препаратларининг гипоксияга қарши солиштирма ўрганиш нормобарик, гемик ва тўқима (гистотоксик) гипоксия моделларида олиб борилди. Геранил, ангерон, катацин, кавергал препаратлари хайвонларнинг яшовчанлигини 63,9-67,8% га оширган ҳолда яққол гипоксияга қарши фаолликни намоён қилди. Гемик гипоксия шароитида ўрганилаётган препаратларнинг берилиши билан хайвонларнинг яшовчанлиги 31,9-46,6% ни ташкил қилди. Ўткир нормобарик гипоксия шароитида ўрганилаётган ва референс препаратларнинг самарадорлиги ўхшаш бўлди. Гемик гипоксия шароитида геранил хайвонлар яшовчанлигини милдронатга нисбатан кўпроқ узайтирди (1-жадвал). Ўрганилаётган препаратлар берилганда гистотоксик гипоксия шароитида сичқонларнинг яшовчанлигини 40,6-54,1%га оширди. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, полимер проантоцианидин – геранил (54,1%) яққол фаолликни намоён қилди. Катациннинг самарадорлиги кавергал ва милдронат препаратлари билан ўхшаш бўлди. Геранил фаоллиги нормобарик ва тўқима гипоксия шароитидаги каби кавергал фаоллигидан устун бўлди.

Диссертациянинг **“Геранил ва катациннинг интакт ва патологик шароитдаги хайвонлар организмидаги бир қатор метаболик жараёнлардаги тажрибавий натижаларини ўрганиш”** деб номланган тўртинчи бобида организмнинг турли аъзо ва тизимларини зарарловчи бир қатор тажрибавий-патологик шароитларда ўрганилаётган субстанцияларнинг организмнинг умумий шартсиз қаршилигини оширувчи восита сифатида қўллаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Полимер проантоцианидинларни тажрибадаги каламушларга 10 кун давомида берилганда, назорат хайвонлар миокардида ва қон зардобадаги углевод алмашинуви кўрсаткичларига ушбу препаратларнинг таъсири намоён бўлди, айниқса гипоксия шароитида бу яққол даражада кўзга ташланди. Уларнинг фаолликлари нисбати назорат хайвонлардаги каби (моделланган патологияли хайвонларда ҳам) сақланиб қолганини ва улар орасидаги фарқ ҳар доим ҳам аниқ бўлмаганини таъкидлаш лозим. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўрганилаётган препаратларнинг берилиши уларнинг солиштириш учун олинган препаратлар билан бир мақсадда берилиши назорат хайвонлар қон зардобада углевод алмашинуви кўрсаткичларига таъсирида намоён бўлди. Аниқланган ўзгаришлар турли даражада содир бўлди. Геранил ва катациннинг таъсирида назоратга нисбатан қон зардобадаги глюкоза миқдори 31,3%, 26,1% га камайди, кавергал ва милдронат таъсирида эса мос равишда 23,4%, ва 17,8% камайди. Шу муносабат билан (ОҚП) СутК/ПУК кўрсаткичи геранил ва катацин таъсирида мос равишда 9,1 ва 8,4 мВ, кавергал таъсирида 6,1 ва милдронат таъсирида 7,3 мВга ошди.

**1-жадвал**

**Геранил, ангерон, катацин, кавергал ва милдронатларнинг per os юборилганда ўтқир нормобарик, гемик ва гистотоксик гипоксия шароитида сичқонлар яшовчанлигига таъсири ( $M \pm m$ ,  $n=6-8$ )**

Тажриба шароити	Доза, мг/кг	Сичқонлар яшовчанлиги	Яшаш давомийлиги, %
<b>Нормобарик гипоксия</b>			
Назорат	-	18,3 ± 0,365	-
Геранил	150	30,7 ± 1,202*	67,8
Ангерон	150	30,5 ± 1,102*	67,3
Катацин	100	30,3 ± 1,545*	65,6
Кавергал	100	30,0 ± 0,730*	63,9
Милдронат	100	30,0 ± 0,545*	63,9
<b>Гистотоксик гипоксия</b>			
Назорат	-	13,3 ± 1,88	-
Геранил	150	20,5 ± 1,12*	54,1
Ангерон	150	19,8 ± 1,12*	48,9
Катацин	100	19,6 ± 1,31*	47,4
Кавергал	100	18,7 ± 1,21*	40,6
Милдронат	100	19,0 ± 1,31*	42,9
<b>Гемик гипоксия</b>			
Назорат	-	16,3 ± 1,12	-
Геранил	150	23,9 ± 2,34*	46,6
Ангерон	150	23,0 ± 2,34*	41,1
Катацин	100	22,7 ± 3,43*	39,3
Кавергал	100	21,7 ± 2,15*	33,1
Милдронат	100	21,5 ± 2,78*	31,9

Эслатма: \* -Назорат ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан аниқлик ( $p < 0,05$ ).

Шуни таъкидлаш лозимки, геранил ва катацин таъсирида бошқа тажрибаларда ҳам фаолликлар нисбати тўлиқ сақланиб қолди. Улар орасидаги аниқланган фарқ деярли ишончсиз бўлди. Ушбу тажрибада юракдаги гликоген миқдорини назорат гуруҳига нисбатан геранил 44,7%, катацин эса 41,4% га оширди. Милдронат таъсирида гликоген миқдори 39,6%га, кавергал таъсирида эса 38,5%га ошди ва ушбу таъсир бўйича деярли ўхшаш бўлгани аниқланди. Препаратлар таъсирида, геранил 25,4%, катацин 33,1% ва солиштирма препаратлар кавергал ва милдронат 14,6 - 24,2% қабул қилган гуруҳларда юрак мушагидаги ПУК миқдори ошиши аниқланди. Оксидланиш – қайтарилиш потенциали ОҚП СутК/ПУК ўрганилаётган препаратлар ва солиштирма препаратлар таъсирида бир хил йўналишда ошиб борди. Геранил таъсирида қон зардобиди ҳамда миокардда яққол ўсиш кузатилди. Гипоксия шароитида миокардда ўрганилаётган препаратлар таъсирида гликоген, ПУК ва ОҚП СутК/ПУК тизими миқдорининг ошиши уларнинг углевод алмашинувида ижобий таъсирга эгаллигини исботлайди.

Ўрганилаётган препаратлар берилганда жигар тўқимасидаги ПУК (44,2; 41,4; 34,9 ва 36,2%га) ошгани ва СутКнинг (29,9; 28,9; 25,8 ва 27,8%га) камайгани кузатилди, мос равишда. Препаратлар юқоридаги биологик

кўрсаткичларда интакт ҳайвонларга нисбатан ортиқча лактатнинг манфий ўлчамли кўрсаткичларини етарли даражада юқори (-10,1; -9,6; -8,6 и -9,6 мВ) сақлаб қолди. Геранил 150 мг/кг дозада 19,7 - 24,4%, катацин 100 мг/кг - 17,1 ва 23,5%га берилган каламушлар гуруҳида қон зардобидаги ва миокард тўқимасидаги СОД миқдори ошди.

Каламушларнинг кавергал қабул қилган гуруҳида СОД кўрсаткичи қон зардобиди ва миокард тўқимасида 13,7 ва 19,1%га ошди, милдронат таъсирида мос равишда 14,3 ва 21,2% ошди. Каталаза миқдори геранил таъсирида қон зардобиди 21,9%га, миокард тўқимасида 23,8%га мос равишда ошди, интакт ҳайвонларга нисбатан. Катацин таъсирида эса ушбу кўрсаткич 17,4% - 21,8%га ошди. Кавергал ва милдронат берилганда ушбу субстратлардаги каталаза фаоллигини 8,4 - 5,4% ва 14,0 – 10,5%га оширишга эришди. Кавергал ва милдронат берилганда ҳайвонларнинг қон зардобиди ва миокард тўқимасидаги МДА миқдорининг ижобий томонга силжиши кузатилди. МДА миқдори геранил берилганда 26,6 ва 42,6%га камайди, катацин таъсирида эса 100 мг/кг дозада 22,01 ва 41,5%га камайди. Кавергал берилган вақтда МДА миқдорини 17,4 ва 31,9%га пасайтирди, мос равишда, милдронат берилганда эса қон зардобиди ва миокарддаги МДА миқдори 17,4 ва 39,7%га камайди. Бунинг натижасида NO кўрсаткичлари геранил таъсирида қон зардобиди 38,9%га ошди, миокардда ҳам 41,4%га ошди. Катацин берилганда NO ни ошишини таъминлади, қон зардобиди ва миокардда биров камроқ даражада 34,9 ва 37,8%га оширишга эришди. Солиштирма препаратлар – кавергал ва милдронат таъсирида ҳам қон зардобиди ва миокардда NO миқдори ошиши кузатилди. Кавергал берилганда ўрганилаётган кўрсаткич 31,7 ва 22,6%га ошди, милдронат берилганда 35,7 ва 23,7%га мос равишда ошди.

Геранилнинг антиоксидант фаоллигини тасдиқлаш учун унинг мия ва жигар митохондриyasi мембранасида липидларнинг перекисли оксидланиши маҳсулоти-МДА миқдорига таъсири ўрганилди. Геранил таъсирида назорат гуруҳга нисбатан мия митохондрия мембранасида 0,1 мкг концентрацияда МДА миқдори ўртача 35,0% камайди, концентрацияни 10 мкг га оширганда мембранадаги МДА миқдори статистик таҳлил натижасида назоратга нисбатан камроқ фоизни ташкил қилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Геранилнинг каламушлар жигар ва мия митохондрияси мембранасида МДА миқдори бўйича, липидларнинг перекисли оксидланиш миқдорига таъсири (n=15)

Тажриба шароити	МДА миқдори (нмоль/мг оксил), M ± m	
	Жигар	Мия
Бошланиш	3,65 ± 0,07	5,96 ± 0,17
Назорат	24,81 ± 0,65	21,35 ± 0,62
Геранил, 10 мкг/мл	22,88 ± 0,67	12,69 ± 0,37
Геранил, 1 мкг/мл	18,08 ± 0,40*	8,27 ± 0,24*
Геранил, 0,1 мкг/мл	16,15 ± 0,31*	7,88 ± 0,23*

Эслатма: \* -назорат ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан аниқлик (p<0,05).

Олинган натижалардан геранил мия тўқималарида жигар тўқимасига нисбатан яққол антиоксидант фаолликни намоён қилди. Геранил 0,1 мкг/мл концентрацияда юқори фаолликни намоён қилиб назоратга нисбатан МДА миқдорини 65,0% га камайтирди.

Геранилнинг жигар митохондрия оксидланишли фосфорилланиш фаоллигига таъсирини ўрганиш 0,1 мкг/мл концентрацияда вояга етган каламушларнинг жигар митохондрия оксидланишли фосфорилланиш геранил таъсирида ажралишни амалга оширди. Ажралиш митохондрияларда кислород таъминотининг тезлиги камайиши билан намоён бўлди, оксидланишли фосфорилланиш классик ажратувчиси иштирокида (карбонилцианид-м-хлорфенилгидразон) назоратга нисбатан 25,0% га ошди (2-жадвал). Бунинг натижасида  $V_3$  – ҳолатида нафас олиш тезлиги назоратга нисбатан ўртача 5,0%га камайиши билан кечди. Нафас олиш тезлиги  $V_4$  ҳолатида эса қарама-қарши равишда 15,0%га ошди. Геранил таъсирида нафас назорати коэффиценти, митохондриянинг умумий функционал бутунлиги бир мунча камроқ бўлди, нафас занжирининг ишининг умумий самарадорлигини характерловчи АДФ/О нисбати, деярли назорат кўрсаткичларидан фарқ қилмади.

In vitro тажрибаларини давом эттириш натижасида геранил каламушлар мияси гомогенатидаги липидларнинг перекисли оксидланишини гидропероксид третбутил (t-ВНР) ёрдамида ингибирлаши етарлича юқори бўлгани намоён бўлди. Аммо геранилнинг антиоксидант фаоллигининг ундан ҳам юқорироқ натижаси, яъни радикалларга қарши таъсири чидамли эркин радикални боғлаб олиши бўлди. 25 мкг/мл дозада ДФПГ ни боғлаб олиш фоизи 66,3%, 50 ва 100 мкг/мг дозада эса – 77,6 ва 77,1% ни ташкил қилди, мос равишда .

Шундай қилиб, олинган натижалар шундан далолат берадики, полимер проантоцианидин - геранил, яққол антирадикал таъсирга ва биологик субстратларнинг тикланишига ёрдам бериши намоён бўлди. *Geranium saxatile* ва *Polygonum coriaryum* дан олинган полимер проантоцианидинлар – геранил ва катацинни солиштирма ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар уларнинг гипоксияга қарши ва антиоксидант фаолликка эгаллиги ҳамда in vitro ва in vivo тажрибаларида ҳам оддий эман пўстлоғидан олинган кавергал препаратининг гипоксияга қарши ва антиоксидант фаоллигига яқин самарадорликни намоён қилиши аниқланди.

Кейинги тажрибалар босқичида геранил ва катациннинг ҳайвонларда чақирилган инфаркт миокардга таъсири ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, инфаркт миокард чақирилганда каламушлар яшовчанлиги камайтириб, операциядан кейин 15 кунни ташкил қилди. Геранил, катацин, кавергал ва милдронат препаратлари билан даволанганда ҳайвонларнинг яшовчанлиги 45,0-50,0% га ошди. 15 кунлик назорат каламушларда сохта операция қилинган ҳайвонларга нисбатан аортадаги қон оқишининг ўртача тезлиги камаяди, бу эса юракнинг қисқариш фаоллигини пасайишидан

### 3-жадвал

#### Геранил, катацинларнинг кавергал ва милдронат билан солиштирган ҳолда инфаркт миокард шароитидаги каламушлар юрагида кечувчи углевод алмашинуви ва антиоксидант тизимининг бир қатор кўрсаткичларига таъсири ( $M \pm m$ , $n=6-8$ )

Тажриба шароити	Сохта операция қилинган каламушлар	Инфаркт миокард чакирилган каламушлар	Геранил+ инфаркт миокард	Катацин+ инфаркт миокард	Кавергал+ инфаркт миокард	Милдронат +инфаркт миокард
<b>УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИ КЎРСАТКИЧЛАРИ</b>						
Гликоген, мг%	295,0±10,2	215,0±10,2*	334,0±7,54	327,9±5,92	324,0±9,4	326,7±9,3
ПВК, мг%	1,10±0,09	0,87±0,13*	1,28±0,1**	1,16±0,1**	1,12±0,1**	1,02±0,1**
МК, мг%	3,7±0,29	4,4±0,33*	3,2±0,23**	3,3±0,24**	3,4±0,15**	3,3 ±0,27**
Экссес лактат	2,92±0,01	3,36±0,02*	2,86±0,01*	2,86±0,02*	2,67±0,02*	2,65±0,02*
ОҚП СутК/ПУК, мВ	-223,6	-247,6	-240,8*	-241,6	-243,3*	-241,6*
<b>АНТИОКСИДАНТ ТИЗИМИ КЎРСАТКИЧЛАРИ</b>						
NO, нмоль/ мг оқсил	0,078±0,02	0,058±0,01*	0,09±0,01**	0,091±0,02	0,087±0,01	0,088±0,01
МДА, нмоль/ мг оқсил	0,073±0,01	0,152±0,04*	0,06±0,04**	0,07±0,03**	0,08±0,006	0,07±0,01* *
СОД, УЕ/ мин/мг оқсил	0,98±0,005	0,56±0,004*	0,96±0,04**	0,094±0,03**	0,09±0,004	0,95±0,04* *
Каталаза, моль/ мин/мг оқсил	11,9±0,53	8,20±0,45*	11,2±0,45**	10,9±0,18**	10,5±0,31	10,3±0,23

Эслатма. \*-Интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан аниқлик, \*\*-инфаркт миокардли ҳайвонларга нисбатан аниқлик ( $p < 0,05$ ).

